

Фарқ



15:00 / 07.01.2022 1588

Мутааххир уламолар билан мутақаддим уламолар ўртасидаги фарқ тупроқдан токи юлдузга қадардир!

Иккита мисол келтираман:

1. Имом, аллома, фақиҳ, мутакаллим, наҳв ва усул илм олими, шайхул ислом Саъдуддин Тафтазоний роҳимаҳуллоҳ ҳижрий 792 йилда вафот этган. У зот балоғат илмида "Мухтасарул маъоний" номли тўрт мужалладли китоб ёзган. Тафтазоний китобни ёзиб бўлиб:

«Ким бу китобимда битта ортиқча ҳарф ёки хато топса унга ҳар-бир ҳарфига йигирма динар бераман!», деган.

Бир динар 4,25 гр тилла тангадир. 20 динар 85 гр тилла танга бўлади.

2. Буюк адиб, фақиҳ ва муаррих ибн Қутайба роҳимаҳуллоҳ 276 ҳижрийда вафот этган. У «Ғарибул Қуръон» деган китоб ёзган. Бу китобни Аҳмад Сақар таҳқиқ қилган. Имом ибн Қутайба: «Бу китобда битта ортиқча ҳарф топсангиз мени тошбўрон қилинг!», деган.

Абдулқодир Полвонов